


КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ



“102” хизмати орқали келиб тушган 2,5 миллиондан ортиқ муносабатлар кўриб чиқилиб, қарийб 1,4 миллионга ҳуқуқбузарликнинг олди олинган. Наркожиноятлар йўналишида 15 412 та жиноят қайд этилиб, 3 тонна 775 кг. гиёҳвандлик воситалари мусодара қилинган. 15 та нарколаборатория аниқланган. Шу билан бирга, соҳада айрим муаммолар сақланиб қолаётгани

таъкидланди. Хусусан, 2025 йилда республика бўйича 155 002 та жиноят рўйхатга олинган бўлиб, бу ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 412,9 тани ташкил этади. Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 942,6, Тошкент вилоятида — 544, Сирдарё вилоятида — 440,3 ва Навоий вилоятида 449,6 тага тўғри келган.

Таҳлилларга кўра, жиноятларнинг 49,6 фоизи ахборот технологиялари орқали содир этилган. Рақамли иқтисодиётда назорат механизмлари етарли эмаслиги сабабли 53 та ноқонуний майнинг ферма томонидан давлатга 20,6 миллиард сўм зарар етказилган.

2025 йилда ёшлар томонидан 13 639 та жиноят содир этилганини

инобатга олиб, кўмита мажлисида ёшлар билан ишлаш самардорлигини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кўмита аъзолари томонидан соҳада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, профилактика ишларини кучайтириш, ахборот технологиялари орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш ҳамда маҳаллаларда манзилли ишлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар асос этган қарор қабул қилинди.

Мажлисида, бундан ташқари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ҳисоботи ҳам эшитилди.

Муҳокама яқунлари бўйича кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

2025 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқимида ҳам олдинги йиллар каби қисқариш қайд этилди. Ўзбекистонда амалга оширилган изчил ислохотлар, бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар, жумладан, охириги тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Утган йилги инвестиция ҳажми 35 млрд. долларга, жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ҳажми эса 43,1 млрд. долларга етди. Жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ўлиши 31,9 фоизни ташкил этди. Йил давомида хорижий инвестиция ва кредитларнинг 33,2 фоизи ишлаб чиқариш саноатига, 29,0 фоизи тоғ-кон саноати ва электр, газ билан таъминлаш соҳаларига, 9,2 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳамда 6,1 фоизи қурилиш тармоғига тўғри келди. Худудлар кесимида Тошкент шаҳри, Наманган ва Сирдарё вилоятлари бошқа худудларга қараганда кўпроқ хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинишига эришган.

Булар, энг аввало, илғор технологиялар ва уларнинг трансфери, ташқи бозори аниқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, энергия, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорлиқни оширишга, маҳаллий ишчиларни янги технологиялар билан ишлашга ўқитиш ва меҳнат унумдорлигини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг якунида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида иқтисодиётни технология ва инновация ўсиш моделига ўтказишни асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб, келгуси беш йилда 180 млрд. долларлик, жумладан, 2026 йил-



да 50 млрд. доллар хорижий инвестиция киритиш мақсад қилинганлиги таъкидланган эди. Шунингдек, келгусида юқори технология ва янги компетенциялар олиб қирган ҳамда ишлаб чиқарадиган маҳсулотини экспортга йўналтирадиган инвесторларга янада қулайлик яратиш мақсадида лойиҳа учун ерлар бозор қийматида тўғридан-тўғри берилиши, ер тоифаси ўзгарганида нобудгарчилик учун тўловни 10 йилгача бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилиши, ерни расмийлаштириш, тоифасини ўзгартириш, қурилиш ва инфратузилмага улашишга рухсатнома олиш учун инвесторларга комплекс хизмат кўрсатадиган “invest.gov.uz” электрон платформаси ишга туширилиши айтилди.

Эркин иқтисодий зоналарга дунёнинг машҳур брендларини жалб қилиш орқали ушбу худудларда фаолият юритадиган корхоналарга халқаро техник регламентлар, экологик ва меҳнат стандартларини қўллаш имконияти, улар учун махсус — имтиёзли инвестициявий, солиқ, божжона ва ҳуқуқий режим жорий этилиши ҳамда халқаро ҳуқуқ доирасида арбитраж низоларини кўриб чиқиш имконияти яратилиши айтилди.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятлари кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички қувватлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ҳамда технологияларни, экспорттоб товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали мамлакат иқтисодий қудратини таъминлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари.

Халқаро анжуман

АСОСИЙ МАВЗУ — АЁЛЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТ Хотин-қизлар ҳолати бўйича комиссиясининг 70-йўлией сессиясида сенатор Гулнора Маъруфова, Олий суд, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ раҳбарларининг ўринбосарларидан таркиб топган Ўзбекистон делегацияси иштирок этмоқда.

Ушбу нуфузли форумда БМТга аъзо давлатлар парламент аъзолари, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти вакиллари қатнашмоқда.

Аёллар ва қизларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг сиёсат ва иқтисодиётдаги иштирокини кенгайтириш, зўравонликка қарши курашиш, шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг аёллар ҳуқуқларига таъсири БМТ юбилей сессиясининг асосий мавзусига айланди.

Сессиянинг тантанали очилиши маросимида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш аёллар ҳуқуқлари соҳасидаги бирон-бир ютуқ ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини — ҳар бир олдинга ташланган қадам фаоллар, ҳуқуқ ҳимоячилари ва жамоат ҳаракатларининг узоқ давом этган кураши натижаси эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

“БМТ-аёллар” тузилмаси ижрочи директори Сима Бахус ўз чиқишида гендер тенгликни қўллаб-қувватловчи мамлакатларнинг ҳуқуқматлари ва ташкилотлари вазиятини яхши томонга ўзгартириш ва одамлар ҳаётини яхшилаш учун етарли даражада кучли таъсирга эга эканини қайд этди.

Анжуман доирасида барча аёллар ва қизларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ҳамда кенгайтиришга қаратилган қонунларга урғу берилди. Бундан кўзланган мақсад — биринчи навбатда, камситувчи қонунлар, сиёсат ва амалиётларни бартараф этиш ҳамда тизимли тўсиқларни йўқ қилиш орқали инклюзив ва адолатли ҳуқуқий тизимларни шакллантириш.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, камситувчи қонунлар, сиёсат ва амалиётларни ҳамда тизимли тўсиқларни бартараф этишга бағишланган юқори даражадаги интер-фаол мулоқотда ҳам қатнашди.

Ўрганиш

СУВНИ АСРАГАН — ҲАЁТНИ АСРАЙДИ

Хозирги кунда пойтахт аҳолисининг 94 фоизи марказлашган канализация тизими билан қамраб олинган бўлиб, шаҳарда 3 та асосий тозалаш иншооти мавжуд. Уларнинг умумий қуввати суткасига 1 715 минг куб метрни ташкил этади.

Мазкур турдаги иншоотларнинг иш жараёнини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзолари “Салар” оқова сув тозалаш иншооти фаолияти билан яқиндан танишди.

“Салар” иншооти пойтахт канализация тизимининг энг муҳим объектларидан бири саналиб, унинг лойиҳа қуввати суткасига 960 минг куб метр, амалдаги иш юкласи эса 860 — 900 минг куб метрдан иборат. Унинг тозалаш самардорлиги ҳозирги кунда 72 фоизни ташкил этмоқда.

Бу ерда оқова сувлар механик, биологик ва дезинфекция босқичлари орқали тозаланади. Тозалаш оқова сувлар иншоотга киришидан бошлаб сўнгги чиқиш қисмигача давом этади ва сифат доимий равишда махсус лабораторияда назорат қилинади ҳамда амалдаги стандартлар асосида таъминланади. Бугунги кунда натрий гипохлорити билан зарарсизлантириш учун 62 та махсус ускуна фаолият кўрсатмоқда.

Тозалаш жараёнида ҳосил бўлган қўйқалар иншоот худудидаги 35 та майдонда қайта ишланади. Бундан ташқари, иншоот худуди “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўкаламзорлаштирилган.

2026 — 2028 йилларга мўлжалланган модернизация дастури доирасида иншоотнинг кўм тутқичлари таъмир-лаштириш, механик тароқлар ва насос агрегатлари янгиланиши, қабул қилиш бўлмасида ҳаво тозалаш ускуналари ўрнатилиши ҳамда қўйқани қайта ишловчи “Биорганик” ускунасини ишга тушириш режалаштирилган.

Шунингдек, оқова сув кириш камерасига ҳаво тозалаш ускунасини ўрнатиш ҳам режалаштирилган бўлиб, бу иншоотдан чиқаётган бадбўй ҳидларни камайитиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Иншоот фаолиятида айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Хусусан, канализация тизимига ишлаб чиқариш корхоналари томонидан турли кимёвий бўёқлар ва чиқиндилар ташланиши ускуналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.


Ўрганиш давомида мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Сенат ва ёшлар

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ — ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари билан учрашув ташкил этилди.



Унда талабаларга Сенат фаолияти, парламент юқори палатасининг асосий ваколатлари ҳамда қонун ижодқорлиги жараёни ҳақида маълумот тақдим қилинди. Шунингдек, Сенатда кўриб чиқилаётган қонунлар ва уларнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтиришлар берилди.

Таъкидланганидек, бундай учрашувлар ёшларнинг парламент фаолиятига қизиқи-

шини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини кенгайтириш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда талабалар ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

«Халқ сўзи».

ЮРТ РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Хусусан, “Архив иши тўғрисида”-ги Қонуннинг архив ҳужжатининг электрон нусхаси, идоравий архив, электрон архив тушунчаларига берилган таърифлар аниқлаштирилди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси электрон архивни шакллантириш тартиби ва ўзига хос талабларини белгиловчи алоҳида модда билан тўлдирилди. Унда электрон архивни ташкил қилиш учун электрон шаклдаги архив ҳужжатини унинг асл архив ҳужжати билан бириктирилиши таъминлаш, электрон архив ҳужжатларини қидириш, бошқариш ва ишлов бериш имкониятининг мавжудлиги, электрон архив тизимининг хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этилиши зарурлиги тўғрисидаги ҳамда бошқа талаб ва қоидалар белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга оид нормаларга аниқлаштирувчи ва тахририй тузатишлар киритилди.

Дияр ХУСАНОВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши долзарб бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни бошлашда ортиқча тартиб-таомиллардан ўтиш жараёнларини бартараф этиш, архив ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини тартибга солиш, архив ҳужжатларини электрон шаклда сақлашнинг асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Маҳаллий Кенгаш раиси ўринбосари институтини жорий этилмоқда

Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган — халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси билан халқ депутатлари

маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институтини жорий этиш, унга бир вақтнинг ўзида Кенгаш котибияти мудир вазифасини бажариш ҳамда Кенгаш котибияти ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озоқ қилиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали юритиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартиби лойиҳасини шакллантириш ҳамда уларни чақириб, доимий комиссиялар ишини мувофиқлаштириш ва бошқа ташкилий ваколатларга эга Кенгаш Раёсати институтини жорий этилиб, унинг иш фаолияти тартиби белги-ланяпти.

Бундан ташқари, Кенгашларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича “Кенгаш соати” институтини жорий қилинмоқда.

Гулруҳ АГЗАМОВА, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси:

— Ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг шу йил 17 февраль кўни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан уни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берилган эди. Утган даврда кўмитада ушбу таклифлар атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг асосли, деб топилганлиги ҳужжат матнида акс эттирилди. Айтиш жоиз, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда жойларда Кенгашлар назорат ишининг такомиллашувига хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолияти самарадорлиги оширилади

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар ва му-тахассисларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда тахсил олишини таъминлаш, давлат хизматчиларининг ма-лакасини ошириш ва уларнинг хорижда мақ-садли стажировкалардан ўтишини ташкил этиш борасида изчил ислохотлар олиб бо-рилмоқда. Бу жараёнларнинг ҳуқуқий асос-ларини мустаҳкамлаш ҳам долзарб аҳамият касб этаётди.

Ушбу қонун лойиҳасида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатларининг мажбуриятларини аниқ белгилаш, жам-ғарма томонидан сарфланган маблағлар-ни ундириш юзасидан фуқаролик ишлар-и бўйича судларга даъво киритишда давлат божини тўлашдан озоқ қилишни назарда тутувчи нормани киритиш так-лиф этилмоқда.

Лойиҳада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келиши тартибини соддалаштириш ҳамда муддатларни қисқартириш назарда тутил-япти. Хусусан, бундай ҳужжатлар лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси муддатини 10 кун этиб белгилаш, 5 кун ичида таклиф келиб тушмаган тақдирда лойиҳани ҳуқуқий экс-пертизага киритиш имкониятини бериш, шу-нингдек, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини 20 кунга қисқартириш таклиф қилинмоқда.

Мажлисида таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси амалга оширилаётган ис-лохотлар самарадорлигини кўтариш, қонунчи-лик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси маб-лағларидан самарали фойдаланишни таъмин-лашга қаратилган.

Депутатлар томонидан қонун лойиҳаси-нинг муҳимлиги таъкидланган ҳолда, қатор аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташлан-ди. Жумладан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев** мазкур лойиҳа билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига “Эл-юрт умиди” жамғармаси — стипендиатлар ўз мажбу-риятларини бажаргани оқибатида еткази-лган зарар ўрнини қоплаш мақсадида ўқитиш харажатларини ундириш тўғриси-даги даъволар юзасидан” деган норма ки-ритилиши таклиф қилинаётганини айтиб, нима учун концепцияда белгирилган “ўз мажбуриятларини лозим даражада бажар-магани оқибатида етказилган зарар ўрни-

ни қоплаш” қонун лойиҳаси матнида акс этмаётгани билан қизиқди.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси Нодир Тилаловдиев эса кунги кеча фракция йиғилишида қонун лойиҳаси қиз-гин муҳокама қилинганини ва айрим савол-ларга етарлича жавоб олинмаганини қайд этиб, бугунги кунда ушбу қонун лойиҳасига нечоғли зарурат борлиги сабаблари юзаси-дан изох сўради.

Депутатларнинг саволларига қонун лойи-ҳасига масъуллар томонидан атрофлича жа-воб қайтарилди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депу-татлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик таклифи кўриб чиқилди

Мажлисида Сенатнинг маҳаллий Кенгаш-лар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик таклифи ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонунчилик так-лифи маҳаллий Кенгашлар фаолиятини трансформация қилиш, уларнинг Сенат ва бошқа давлат органлари билан ҳамкор-лигини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

Ҳужжат билан халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари бир вақтнинг ўзида Коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий кенгаш фаоли-ятига раисликни ҳам бажариши назарда ту-тилляпти. Бу эса худудларда коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, ту-ман, шаҳар Кенгашлари зиммасига вазир-ва функцияларни юқлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қар-тилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мажлисида мазкур қонунчилик таклифи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш-га ва ижро ҳокимияти билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган таъкидланди.

Қизгин мунозаралардан сўнг ушбу ма-сала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР САВОЛЛАРИГА ВАЗИР ЖАВОБ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ташаббуси билан навбатдаги “Хукумат соати” бўлиб ўтди.

«Хукумат соати»

Унда “Маданият муассасалари фаолияти самардорлигини ошириш, номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш ва тарғиб қилиш ҳамда маданият соҳасидаги таълимни ривожлантириш бора-сида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала муҳокама этилди.

Депутатларнинг саволларига Ўзбекистон маданият вазири Озодбек Назарбеков жавоб берди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги тўққиз йилда мазкур соҳага оид 4 та қонун, Президентнинг 35 та фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 98 та қарори қабул қилинди. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги ҳамда жонли ижро санъатини ривожлантиришга қаратилган қонунлар имзоланди. Шунингдек, соҳа ходимларининг мақомини ошириш мақсадида 15 апрель — Маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгиланди.

Шу билан бирга, маданият инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган ишлар натижасида 2 та замонавий театр, 19 та маданият маркази, 20 та мусика ва санъат мактаби, 8 та ихтисос-

Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти каби янги олий таълим муассасалари иш бошлади.

“Хукумат соати”да депутатлар маданият муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Қайд этилишича, соҳага Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар 2017 йилдаги 122,8 млрд. сўмдан 2026 йилда 1,2 трлн. сўмдан ортққа етказилиб, қарийб 10 баробар оширилган. Бугунги кунда 839 та маданият марказида 3 258 та тўғарак ва бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолият юритмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар соҳа истиқболига доир қатор масалалар юзасидан вазирга саволлар билан мурожаат қилди.

Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Шаҳноза Холмаҳаматова** маданият ва санъат соҳасида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни иш билан таъминлаш масаласига тўхтади. Унинг таъкидлашича, маданият йўналишида тахсил олаётган талабалар сони сўнгги беш йилда 29 545 нафар ёки 36,6 фоизга ошгани соҳада салмоқли инсон капитали шаклланаётганидан далolat беради. Бирок “Драма ва кино актёрлиги” йўналиши битирувчилари давлат театрларидаги штат бирликлари чеклангани сабабли иш билан таъминлашда муайян қийинчиликларга дуч келмоқда. Шу муносабат билан депутат давлат-хусусий шерик-

лик асосида ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш бўйича қандай лойиҳалар амалга оширилаётгани билан қизиқди. Вазиr жавобида креатив индустриялар жaxon иқтисодийётида тобора муҳим ўрин эгаллаётганини таъкидлаб, мамлакатимизда ҳам ижодий индустрияларни ривожлантириш, рақамли технологиялар асосида ижодий маконлар ташкил этиш ва ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилганини маълум қилди. Айтилганидек, хорижий тажриба, хусусан, Туркия амалиёти маданият соҳасида хусусий сектор фaоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этишини

кўрсатмоқда. Шу боис мамлакатимизда ҳам мазкур йўналишни ривожлантириш орқали ёш ижодкорлар учун кенг имкониятлар яратиш мақсад қилинган.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси **Азамат Пардаев** жойлардаги маданият марказларининг моддий-техник ҳолатига оид масалани кўтарди. Унинг таъкидлашича, жойларда ўтказилган ўрганишлар айрим маданият марказларининг бинолари ва моддий-техника базаси замон талабларига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.

Вазиr ушбу саволга жавоб берар экан,



таъмирталаб марказларни босқичма-босқич янгилash ишлари давом эттириляётганини таъкидлади.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова миллий телемаҳсулотлар мазмунига эътибор қаратиб, жамият учун ибрат бўладиган қаҳрамонлар ҳаётини ёритувчи миллий сериал ва фильмлар яратиш муҳимлигини айтиб ўтди.

Вазиr бу борада жамиятдаги талаб ва маънавий мезонларни белгилаш, миллий кадрларга зид бўлган контентларга қарши курашишда давлат идоралари билан бирга жамоатчилик ва парламент вакилларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканини ургўлади.

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси **Ойдин Абдуллаева** Ўзбекистон номида халқаро фестивалда қатнашиш учун юбориладиган номзодларнинг савияси, репертуари ва кўшиқларининг бадийий қиммати юзасидан экспертлар кенгаши муҳокамаларини ташкил этиш ҳамда дунё сахналарини забт қила оладиган кадрларни мақсадли тайёрлаш борасида амалга ошириляётган ишлар юзасидан изоҳ сўради.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Мохиря Ҳўжаева эса оммавий маданий тадбирларда экологик талабларга риоя этиш масаласини кўтарди.

Вазиr ушбу саволларга атрофчиқа жавоб бериб, олиб бориляётган ишлар юзасидан маълумот тақдим қилди.

Муҳокама якунида депутатлар маданият соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган қатор тақлиф ҳамда ташаббусларни билдириб, кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

НАЗОРAT – КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Ички ишлар вазирлигининг кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан ахбороти эшитилди.

Эшитув

Унда Марказий банк, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар, Рақамли технологиялар вазирликлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги масъулла-ри иштирок этди.

Мамлакатимизда кибержиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини кўтариш ва кибер муҳитдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда юртимизда кибержиноятларнинг тури 18 тадан 62 гага кўпайган. Айниқса, зарарли файлларни тарқатиш, банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари бугунги кунда аҳолини жиддий хавотирга солмоқда.

Ийгилишда мазкур йўналишда қўриляётган чораларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2025 йил 30 апрелдаги тегишли қарори бу йўналишдаги чоратadbирларнинг мустақам ҳуқуқий асосини яратиб берди. Ушбу ҳужжатда Ички ишлар вазирлиги барча масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган этиб белгиланган, ички ишлар органлари масъул бўлинмалари сўровига асосан шубҳали пул ўтказ-ма амалиётларига алоқадор банк карталарини тезкорлик билан блок-лашга оид чораларни кўриш назар-да тутилган.

Вазиrлик, Бош прокуратура ва Марказий банк ўртасида кибержиноятларга қарши курашишда зудлик билан маълумотлар узатиш ва туш-ган мурожаатлар бўйича тезкор чораларни кўриш мақсадида электрон маълумотлар алмашинув платформасини ишга тушириш каби тадбирлар белгиланган.

Ийгилишда шу йил 27 январь куни Президентимиз расмийда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилган видеоселекторда белги-ланган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кибержиноятлар-ни тезкор фoш этиш ва тўхтатиш учун вазиrлик томонидан бу соҳада қўри-ляётган чоралар самарадорлигини ошириш муҳимлиги айтилди.

Маълум қилинганидек, вазиrлик тизимида Киберхавфсизлик маркази ва ҳудудларда кибержиноятларга

қарши курашиш бошқармалари фаолияти йўлга қўйилган. Вазиrлик тизимида эса Киберхавфсизлик бўйича департамент ташкил этили-ши режалаштирилган.

Утган йилда марказ ва ҳудудлар-даги бошқармалар томонидан 8,8 миң-та кибержиноят фoш этилиб, бу кўрсаткич 2024 йилдагига нисбатан 5,2 баравар ошган. Энг хавфли 1,6 миң-та дастур фаолияти эса тўхтатилган. Натижада 13 миңдан ортқ фуқаро-ларнинг бузилган қонуний ман-фаатлари тикланишига, етказилган 95,4 млрд. сўм моддий зарар ўз эга-ларига қайтарилишига эришилган.

Шунингдек, 4,6 миңта кибержи-ноят ташаббус билан аниқланиб, бу кўрсаткич 2024 йилдагига нисбатан 4,2 баравар яшилганган. Киберма-қолада жамоат тартибига таҳдид со-лувчи 5,7 миңта зарарли контент ва ресурс аниқланиб, 3,8 миңта интер-нет ресурси ва 1,6 миңта фириб-гарликка ундовчи зарарли ҳавола

фаолияти бошқа идоралар билан ҳамкорликда тўхтатилган.

Юқорида айтилган электрон маълумотлар алмашинув платформаси фойдаланишга топирилиб, фуқаро-дан ариза тушиши билан шу вақтнинг ўзида ундан ноқонуний ўзлаштирил-ган пуллар ўтказилган ҳисоб рақам-ларни блоклаш имконияти яратилмоқ-да. Хусусан, ўтган йил сентябрдан хозирга қадар 43,3 млрд. сўм четга чиқиси тўхтатиб қолинди ва жиноятга алоқадор 11,7 миңта ҳисоб рақам банклар томонидан блокланди.

Фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида Рақамли технологиялар вазиrлиги билан ҳамкорликда хориж-дан келадиган сохта кўнғироқларни чеклаш тизими ҳам жорий қилинди. Натижада 2025 йил июль ойидан хозирга қадар 2 миллиондан ортқ сохта кўнғироқлар блокланди, жино-ятларнинг олдини олишга эришилди. Шу билан бирга, аҳолининг ки-бержиноятлардан огоҳлигини оши-риш бўйича ўтган йилда барча соҳа хизматларини жалб қилган ҳолда комплекс тарғибот-ташвиқот тадбир-лари ўтказилиб, аҳолининг 17 мил-лиондан ортқи қамаб олинди.

Сайдулло АЗИМОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



— Бугун рақамли технологиялар барча соҳаларга жадаллик билан кириб келиб, бу хизматлар ва электрон платформалар ҳаётимизни анча енгиллаштирди. Лекин ушбу имкониятлар билан бир қаторда, янги турдаги хавфлар ҳам пайдо бўлмоқда. Шу боис кибержиноятчи-ликка қарши курашишда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш, аҳолининг ки-берхавфсизлик бўйича саводхонлигини ошириш, қонун-чилик базасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, замо-навий технологиялардан самарали фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни ку-चाйтириш ва жамиятнинг киберхавфсизлик маданиятини юксалтириш орқа-ли кибержиноятчилик хавфини сезиларли даражада қамайтириш мумкин.

Хушвақт ХАЙИТОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:



— Ийгилишда фирибгарлик ва ўғрилиқ кўринишидаги кибержиноятлар билан янада самарали курашиш бўйича вазиrлик фаолиятини кучайтириш масаласига ҳам эъти-бор қаратилди. Бу борада киберфирибгарлик билан ўзлаштирилган маблағлар республика ҳудудидан чиқиб кетишининг олдини олиш бўйича мавжуд механизмларни такомиллаштириш зарур. Шунингдек, кибержиноятларнинг олдини олишда масъул ташкилотларнинг мажбуриятла-рини қонунчиликда аниқ белгилаш, ташкилотларда хавфсиз ахборот тизим-ларини интеграциялаш ишларини жадаллаштириш, аҳолида интернет кон-тентларига нисбатан танқидий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс тарғибот чораларини кучайтириш лозим.

Якунда ушбу йўналишда парламент ва депутатлик назоратини кучайти-риш, вазиrлик ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик самарадорлигини оши-риш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

«АҚЛЛИ» ТЕХНОЛОГИЯЛАР

деҳқончиликда обихаётни ўн карра тежаш имконини беради

1 Тақдимотда сув ресурслари учун солиқ ставкаси ва субсидиялар миқдорини ер майдонларининг сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб белгилаш, сув барқарор бўлмаган ҳудуддаги суғориладиган ер майдонларига сув тежовчи технологиялар жорий қилинганда, ажратиладиган субсидияларга 1,25 ошувчи коэффициент қўлланган ҳолда ҳисоблаш тақлиф этилди. Шунингдек, тежамкор технологияни ўз маблаг иқсодидан жорий қиладиган ташаббускорларга субсидия ажратилиши янги тизимини қўллаш, бунда тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари ва лойиҳани амалга ошириш бўйича таъминотчи корхона билан тузилган шартнома асосида субсидия маблагларининг 50 фоизи Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан олдиндан ажратилиши ҳам айтилди.

мер ҳўжалигининг далансига қадар сув етиб боради, — дейди наманганлик фермер Абдува-ҳоб Бойжонов. — Бу талаб сув тежовчи техно-логиялар ўрнатилган чоғда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотмайди. Сувга нисбатан муноса-бат ўзгаришида “Сувчилар мактаби”нинг таъ-сири катта бўлмоқда. Мазкур лойиҳа доираси-да 10 миңта фермер ҳўжалиги ходимларининг малакаси оширилиши, 358 нафар сув ҳўжалиги мутахассиси хорижга юборилишини эшитиб, жуда қувондим.

Эътироф этиш керак, ўтган йили давлатнинг моддий қўллаб-қувватлови билан Сув ҳўжалиги вазиrлиги томонидан тизимда кенг қўламли ис-лохотлар амалга оширилди. Биргина иррига-ция объектларини қуриш ва реконструкцияси-

га қамайтирилди. Охириги тўрт йилда эса 13 254 та сув олиш нуқтасида “ақлли сув”, 10 983 та мелиоратив кузатув кудугида сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минерал-лашганлик даражасини назорат қилувчи “Diver” қурилмаси, 1 749 та насос станциясида сув сарфини мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилди. 100 та йирик сув ҳўжалиги объектининг бошқаруви тўлиқ автоматлаштирилди.

Сув ҳўжалиги вазиrлигининг ўринбосари Рус-там Қаршиевнинг таъкидлашича, вазиrлик ҳузу-ридаги “Вазиятлар маркази”да 10 та ахборот тизими такомиллаштирилиб, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш им-конини берибунч “Рақамли сув ҳўжалиги” ягона платформаси ишга туширилгани давлатимиз

сўзларига қараганда, эндиликда ресурстежам-кор технологиялар амалиётга янада кенгроқ та-тбиқ қилинади. Хусусан, жорий йилда 503 миң гектар суғориладиган ерларда суғоришининг ил-лор технологиялари қўлланилиши, 200 миң гек-тар экинзорлар лазерли техникалар ёрдамида текисланиши белгиланган.

Асосийси, юртимизнинг деҳқончилик қили-надиган ерларида босқичма-босқич сув тежов-чи технологиялар жорий этиляётгани ортидан фермерлар кўшимча даромад олишмоқда. Ма-салан, Косон туманидаги “Косон” ва “Асл На-жим”, Зафаробод туманидаги “Форш йўлла-ри” фермер ҳўжаликлари томчилатиб суғориш технологияси туфайли пахта ҳосилдорлиги-ни 85 центнерга етказди. Мирзаобод туман-идаги “Sirdaryo Jingo” МЧЖ жомоаси ҳам ўтган йил миң гектарлик пахтазоридида суғоришининг замонавий усулини қўллаб, 3,25 млн. куб метр сувни тежаш, ёқилги-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сарфини 25 — 35 фоизга қисқартиришга эришди. Ҳосилдорлик эса 60 центнерга етди. Бу кўрик Сирдарё шaroи-тида том маънода мўъжизаидир. Ваҳоланки, ушбу фермерларнинг даласида илгари пахта ҳосил-дорлиги 25 — 30 центнердан ошмаган.

Рустам Қаршиевнинг айтишича, ўтган йил-нинг ўзида жами 817,2 миң гектар (режага нис-батан 168 фоиз) майдонларда сув тежовчи техно-логиялар, жумладан, 103,2 миң гектарда томчилатиб, 30,7 миң гектарда ёмғирлатиб, 13,7 миң гектарда дискрет суғориш техноло-гиялари жорий қилинди. Таҳлилларга қараган-да, сув тежовчи технологиялар қўлланган жой-ларда обихаёт 45 — 50 фоизга, ёнлиги-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар 25 — 35 фо-изга ва бошқа механизация хизматлари хара-жати эса тенг ярмига қисқариб, ҳосилдорлик ва махсулот сифати камда 20 фоизга ошмоқда.

Масалага замонавий ёндашув

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, дунёда ил-мий изланишлар, кашфиётлар, бунинг натижада 2025 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикасининг Сув ко-декиси тасдиқлангани эътиборга молик. Мазкур кодекс кучга кириши билан Ўзбекистон Рес-публикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Президентимизнинг 8 та фармони, 14 та қарори ҳамда Ҳўкуматнинг 26 та қароридидаги нормалар бир-лаштирилди.

Сув ҳўжалиги вазиrлиги масъулларининг

“**Кейинги етти йилда электр энергия истеъмоли 1,9 млрд. кВт/соатга қамайтирилди. Охириги тўрт йилда эса 13 254 та сув олиш нуқтасида “ақлли сув”, 10 983 та мелиоратив кузатув кудугида сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини назорат қилувчи “Diver” қурилмаси, 1 749 та насос станциясида сув сарфини мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилди. 100 та йирик сув ҳўжалиги объектининг бошқаруви тўлиқ автоматлаштирилди.**”



га 1 трлн. 356 млрд. сўм давлат маблағлари йўналтирилди. Натижада 553,6 км. канал, 24,8 км. лоток тармоқлари, 40,4 м³/сония сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станция-лари, 46,7 км. босимли қувурлар, 45 та суғори-риш кудуги қурилди ва реконструкция қилинди. Тизимда энергия тежамкорлигига ҳам ало-ҳида эътибор берилди. Жумладан, насос стан-циялари ва тик кудуқларни ишлатиш учун 6,8 млрд. кВт/соат электр энергия лимити бел-гилангани ҳолда, амалда 6 млрд. кВт/соат қув-ват сарфланди. Бу 2024 йилнинг мoс даврида-гига нисбатан 197 млн. кВт/соат электр энер-гияси иқтисод қилинди, демакдир. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, насос станциялари 2018 йилда 8,3 млрд. кВт/соат қувват “еган” бўлса, бу рақам 2025 йил якунида 6,4 млрд. кВт/соатни ташкил этди.


Кўриниб турибдики, кейинги етти йилда электр энергия истеъмоли 1,9 млрд. кВт/соат-

Бундан ташқари, сув тежовчи технологиялар-ни татбиқ қилинган деҳқонларга яна бир қанча енгилликлар берилиши кутилмоқда. Масалан, пахтачиликда томчилатиб суғориш технология-сини жорий қилиш учун кредит маблағлари ҳар йил ноябрь ойидан бошлаб ажратилди. Сув те-жовчи технологияларни қуриб берган пудрат ташкилотлари ҳар бир лойиҳага камда 2 йил кафолат бериб, 5 йил давомида сервис хизмат-лари кўрсатиши мажбурий этиб белгиланмоқда.

Сув тақчиллиги кузатиляётган хозирги шар-оитда Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлиги-ни ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мутахассисларининг масъулиятини янада куч-айтириш жуда муҳим. Шу тежовчи инспек-ция ва куйи тизимида сув тежовчи техноло-гиялардан ҳамда сувдан фойдаланиш мониторин-гини юритиш бўлинмалари ташкил этилади. Тад-биркорлик субъектларида инспекция томони-дан ўтказиладиган текширувларни худди йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари сингари ёнқамералардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартиби йўлга қўйилди. Инспекцияга қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларида сувдан фойдаланиш ва сув исрофини мониторинг қилиш мақсадида учувчисиз учини дронларини ишлатишга руҳсат берилади.

«Вазиятлар маркази» — назорату натижадорлик демак

— Қаттиқ тартиб ва адолатли назорат ўрна-тилсагина сув таъминотида муаммо барҳам то-пади, сув манбаидан узоқда жойлашган фер-



Гап шундаки, бу технология ёрдамида ўсим-ликнинг қачон суғорилиши кераклигини инсон эмас, балки илдининг ўзи “чип” орқали ти-зимни бошқарувчи компьютерга маълум қила-ди. Тупроқ остидан ўтган қувур илдининг эъти-ёжига яраша озуқага кислородни сув билан эт-казиб беради. Бу вазифани микроб ёки олим эмас, микрочиплар бошқарувидида “ақлли мия” қойилмақом қилиб бажаради.

Исроиллик мутахассис Нир Нисим Харазнинг айтишича, алгоритм асосида ишлайдиган бу технология ҳар томонлама мукамал. Фақат электр таъминоти мавсум мобайнида узлуксиз бўлиши лозим. Акс ҳолда бир зум бўлсин, электр узилса, бас, тизим издан чиқади. Уни сошлаш, дастурини қайта тиклаш эса қўшимча харажат талаб этади. Агар бир гектар ерни су-ғориш учун, айтайлик, оддий усулда 10 тонна сув сарфланса, бу технологияда ўн карра кам — бир тонна ишлатилади, холос. Тупроқ тарки-би, қисмлик илдининг озуқа ва сувга талаб-чанлиги, ҳатто кислород меъёри ҳам экранда кўриниб туради. Бир томчи ҳам сув беҳуда кет-майди.

— Бу технология балл бонитети паст ва сув тақчил жойларда қўлланилса ҳам, қутилгани-дек натижа олиш мумкин, — дейди Дон ва шoли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари-нинг маслаҳатчиси, қорақалпоғистонлик олим Дуйсенбай Утамбетов. — Дастлаб пайкалнинг бир қисмида картошка бирлашмаси қўрдиқ, на-тижа аёло. Негаки, бир тонна сув бир гектар-лик экинзорга етарли бўлишининг ўзи мўъжи-за. Менимча, ақин келажақда мана шу “ақлли” технология Ўзбекистонда юз миңлаб гектар экинзорларни қамраб олади.

Абдуноби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатлари учун янгидан ташкил қилинган тўздорларнинг ҳар бир гектарига Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан 8 млн. сўмгача субсидия берилади.

Янги Ўзбекистоннинг «Юксалиш симфонияси»

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ургут филиалида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдусайд Кўчимовнинг «Юксалиш симфонияси» номли китоби тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот



Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари Рустам Холмуродов, Хусан Эрматов ва бошқалар янги китобнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритар экан, маъруз тўплам Президентимизнинг халқпарвар, инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсати самарасида ўзгараётган шаҳар ва қишлоқларимиз, улкан бунёдкорлик ишлари ва халқимиз онгу тафаккури, дунёқарашидagi ўсиш ҳақида ҳикоя қилишни таъкидлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида буюк ишлар амалга оширилди. «Юксалиш симфонияси»да бу эвриллишларнинг фалсафаси, моҳияти ва ҳаётбахш маъноси одамларга оддий тилда шарҳлаб, тушунтирилади.

Юртимиздаги ислохотлар йилномаси бўлган ушбу китобда жонажон Ватанимизнинг ҳар бир вилоятида юз бераётган кенг қўламли янгиланишлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари қаламга олинган. Зеро, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган ҳаётбахш ислохотлар Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида халқимизнинг бевосита иштирокида давом этмоқда. Жамиятдаги маънавий кўтаринчилик, инсонлардаги эртанги кунга ишонч шундан.

Адиб ўз асарига жамиятимиздаги тарихий ўзгаришларни тасвирлаш орқали унинг ижодкори бўлиши, танти ва фидокор халқ сиймосини чишига интилади. Шу маънода, асарни Ўзбекистондаги юксалишнинг, миллий уйғонишнинг симфонияси, дейишга барча асослар бор.

Китоб кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар қалбига эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини уйғотиши билан аҳамиятлидир.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ (Халқ сўзи).

ИНСОН ҚАДРИ – ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган янги ташаббуслар кўриб чиқилиб, маъқулланди. Буларнинг мазмунини таҳлил этар эканмиз, уларни фақат жинсий жавобгарликни кучайтириш сифатида эмас, балки инсон ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс стратегия сифатида баҳолаш мумкин.

Акс садо

Президентимизнинг «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Фармони ҳам бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ҳамда зўравонликка мутлақо мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Бинобарин, ушбу ҳужжатда зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш борасида мутлақо янги ёндашув, муҳим чора-тадбирлар белгиланмоқда. Мақсад зўравонлик оқибатларини бартараф этиш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган профилактик тизимни кучайтиришдир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада қабул қилинаётган қарорлар фақат маъмурий ёки жинсий жавобгарликни кучайтириш билан чекланиб қолмай, балки жамиятнинг маънавий муҳитини соғломлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, келажак авлоднинг барқарор ривожланиши учун ҳуқуқий ва ижтимоий замин яратишга қаратилган тизимли ёндашувни аниқлатади.

Аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишга доир янги ташаббуслар, биринчи навбатда, инсон қадрини таъминлаш гоёсининг амалий ифодасидир. Зеро, зўравонлик фақат жиноят эмас, балки жамиятнинг маънавий иммунитетига путур етказувчи ҳавфли ижтимоий иллат. Унинг ҳар бир ҳолати ортида бузилган тақдир, синган ишонч, йўқолган орзу-умид турибди.

Бир-биридан ажралмас тушунчалар Марказий банк тизимида гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши фаолияти давомида биз бир ҳақиқатни аниқ англаб етдик: иқтисодий барқарорлик, молиявий инклюзивлик ва гендер тенглик бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Аёл ўзини ҳавфсиз ҳис қилмаган, ҳуқуқий ҳимояси таъ-



суний равишда энгиллаштирилиши ёки нотўғри квалификация қилинишига чек қўйилади.

Юқори профессионал ёндашув талаби

Зўравонликка доир ишлар билан махсус тайёргарликдан ўтган адвокатлар, терговчилар ва судьялар шуғулланиши тўғрисидаги ташаббус алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бундай ишлар нафақат ҳуқуқий билим, балки психологик тайёргарликни ҳам талаб этади. Жабрланувчи билан мулоқот қилиш, унинг ҳолатини инобатга олиш, руҳий оғриқнинг қайта кўзга-лишига йўл қўймастик — буларнинг барчаси юқори профессионал ёндашувни талаб этади. Айниқса, болалар иштирокидаги ишлар бўйича махсус стандартлар қўлланилиши зарур.

«SOS» иловаларини жорий этиш

«Аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишга доир янги ташаббуслар, биринчи навбатда, инсон қадрини таъминлаш гоёсининг амалий ифодасидир. Зеро, зўравонлик фақат жиноят эмас, балки жамиятнинг маънавий иммунитетига путур етказувчи ҳавфли ижтимоий иллат. Унинг ҳар бир ҳолати ортида бузилган тақдир, синган ишонч, йўқолган орзу-умид турибди.»

ташаббуси рақамли технологияларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётига интеграциялашнинг ёрқин намунаси. 5 километр радиусдаги ходимларнинг 10 дақиқа ичида етиб келиш механизми жиноятнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бу тизимнинг мақбуллиги зўравонлик қурбонига ўзини ёлғиз ҳис қилмаслигида намён бўлади. Ҳимоя ордери берилган аёллар учун қўшимча кафолатларнинг яратилиши давлатнинг профилактик сиёсатга ўтаётганини кўрсатади. Яъни жиноят содир этилгандан кейин эмас, балки унинг эҳтимолини бартараф қилишга қаратилган ёндашув устувор бўлмоқда.

Юртимизда никоҳларнинг катта қисми 18-19 ёшдагилар ўртасида тузилаётгани ҳам бор гап. Халқаро тавсияларга кўра эса 21 ёш оила қуриш учун нисбатан мақбул, деб қаралади. Бу ёшга етган шахс одатда молиявий мустақилликка эришишга, касб-хунарга эга

бўлишга ва ҳаётий қарорларни онгли қабул қилишга яқинлашади. Никоҳни 21 ёшдан кейин тузишни рағбатлантириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш тақлифи ҳам жуда ўринли. Бу ерда гап тақиб ёки жазо ҳақида эмас, балки рағбатлантириш сиёсати ҳақида кетмоқда.

Молиявий саводхонлик, даромад манбаининг барқарорлиги ва шахсий бюджетни бошқариш кўникмалари шаклланмаган ҳолда тузилган никоҳлар иқтисодий қийинчиликларга дуч келиши эҳтимоли юқори. Эрта никоҳ кўп ҳолларда таълимнинг тўхташига, айниқса, қизлар учун иқтисодий имкониятларнинг чекланишига олиб келади.

Никоҳ шартномаларини рағбатлантириш масаласи ҳам жуда долзарб. Давлат боҳидан имтиёз бериш орқали шартнома тузишни оммалаштириш ҳуқуқий маданиятни оширади.

Жамоатчилик Назоратининг янги механизми

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий қарамлик зўравонликка тоқат қилиш омилларидан бири-

дир. Даромад манбаига эга бўлмаган, таълимдан узилган ёки касбий имконияти чекланган аёл кўпинча муаммоли муносабатдан чиқиб кетиш йўлини тополмайди. Шу маънода, талаба қизлар учун таълимни давом эттириш имкониятини яратиш стратегик қадам ҳисобланади. Бу уларнинг келажақда меҳнат бозорига муносиб ўрин эгаллаши, иқтисодий мустақил бўлиши ва ўз қарорлари масаласида эркин бўлишига замин яратади.

Кўриб чиқилган ва маъқулланган ташаббуслар мамлакатимизда аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш борасида янги босқични бошлаб берди. Бу жараёнда жазо муқаррарлиги, профилактика, иқтисодий рағбат, таълим, технология ва жамоатчилик назорати бир-бири билан уйғун ҳолда ишлаши лозим. Инсон қадр устувор қўйилган давлатда зўравонликка жой бўлмаслиги шарт. Бу йўлда ҳар биримиз — давлат хизматчиси, мутахассис, ота-она, жамоат фаоли ўз масъулиятини аниқлаб ҳаракат қилсак, ислохотлар қозғоғида эмас, ҳаётда самара беради. Аёллар ва болалар ҳавфсиз бўлган жамият барқарор, адолатли ва тараққий этган жамиятдир. Шу мақсад сари қўйилган ҳар бир қадам келажак учун мустақам пойдевор бўлади.

Соҳибжамол ЖУМАЕВА, Марказий банкнинг гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Қарор ана шу юксак гоёларни ҳаётга татбиқ қилишни назарда туттади. Ҳужжатда Наврўзи мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ сайли сифатида кенг нишонлаш, унинг гоёвий мазмунини бойитиш, барча ҳудудларда байрам тадбирларини юқори савияда ташкил этиш вазифалари белгилаб берилган. Ташкилий қўмитага юқурилган вазифалар эса байрамнинг мазмундор ва халқчил руҳда ўтиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган.



алоҳида эҳтиром кўрсатиш, инсонлар ҳолидан хабар олиш каби эзгу ишлар кенг қамров касб этади. Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларида яшаётган инсонларга кўрсатиладиган ғамхўрлик жамиятдаги бағрикенглик ва инсонийлик тамойилларини янада мустаҳкамлайди.

Қарорда белгиланган муҳим йўналишлардан бири «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тадбирлар билан боғлиқ. Наврўз арафасида кўчат экиш акциялари, ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари, умумхалқ хашарлари юртимиз шаҳар ва қишлоқларига янада файз бағишлайди. Бу ишлар табиатга эҳтиром, покиза муҳит яратиш ва келажак авлод олдидagi масъулият туйғусини янада кучайтиради.

Байрам тадбирларида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар ҳам ало-

ҳида ўрин эгаллаган. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элатлар вакиллари-нинг миллий ўрф-одатлари, анъаналари ва маданий меросини кенг намойиш қилиш орқали халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик янада мустаҳкамланади. Шу билан бирга, хунар-мандчилик кўргазмалари, миллий спорт мусобақалари, китоб ярмаркалари, баҳорий таомлар намойишлари халқ



сайилларига алоҳида мазмун бахш этади. Бундай тадбирлар эса халқимиз бой маданий меросини кенг тарғиб қилиш билан бирга, ёш авлоднинг миллий қадриятларга ҳурмат рўйида тарбиялашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Хилола ЮСУПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Шамсуддинхон Бобохонов НМИУ» МЧЖ наشريёти

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг даврий нашрлари — «Ҳидоят» ва «Мўминлар» журналларига ишлатиладиган қоғоз маҳсулотини арзон, сифатли, белгиланган форматда бепул сақлаш ва керакли вақтда бепул етказиб бериш имкониятига эга бўлган юридик шахсларни тендер (танлов) ўтказиш орқали аниқлаш учун ҳамкорликка тақлиф этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зарқайнар 18-берк кўча, 47-«А» уй.

Қоғоз маҳсулоти формати:

- Мелланган ялтироқсиз (мат.) қоғоз 90 гр/м², 60*84 см – 80 000 кг.
- Мелланган ялтироқ (глянц.) қоғоз 130 гр/м², 60*84 см – 25 000 кг.

Тендер қатнашчиларидан талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- тендер қатнашчиларининг тақлиф хати;
- таъсис ҳужжатлари (гувоҳнома, устав, таъсис шартномаси ва бошқа ҳужжатлар);
- охириги уч йиллик фаолияти ҳақида маълумотнома ва молиявий ҳисоботи;
- молиявий ҳолати ҳақида банкдан маълумотнома;
- иштирокчиларнинг моддий-техника базаси тўғрисида маълумотнома (қоғозни сақлаш базаси кадастр ҳужжатлари билан, автотехника ҳужжатлари, агар ижара асосида фойдаланаётган бўлса, ижара шартномаси нусхаси);
- тендер тақлифлари фақат муҳрланган икки қаватли хат жилдда қабул қилинади;
- ташки хат жилдда тендер қатнашчиларнинг тақлиф хати, таъсис ҳужжатлари, охириги уч йиллик фаолияти ҳақида маълумотнома ва молиявий ҳисоботи; молиявий ҳолати ҳақида банкдан маълумотнома ва ишчи-ҳодимларнинг тасдиқланган ЯММТ маълумотлари; ички хат жилдда моддий-техника базаси тўғрисида маълумотлар ва тегишлилик ҳужжатлари бўлади.

Зарурат туғилганда қатнашчилардан қўшимча ҳужжатлар ҳам талаб этилиши мумкин.

Тендер ҳужжатлари тендер комиссиясига кузатув хати орқали 2026 йил 24 март соат 18.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 71-227-34-30, 71-240-08-23.

Наврўз байрами арафасида «Вақф» хайрия жамоат фондига бириктирилган зиёратгоҳларда белгиланган прејскурант бўйича кириш нархларига 10 фоизлик чегирма берилиши режалаштирилган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини оқибатда олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6768

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6